

“ 13 ” “ 12 ” 2021 йил

Қарши шаҳри.

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб юритилувчи, уз Устави асосида фаолият кўрсатадиган “DORUL KASB HUNAR” нодавлат таълим муассасаси ижрочи директори Ф.К.Тагаев бир томондан, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи, уз Устави асосида фаолият кўрсатадиган Карим Дираевдан Экилэн Ойбек Султамат С.К. Нурмаев қўшимчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузадилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартнома “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ўртасидаги, яъни “Буюртмачи” томонидан таълим олиш (малака ошириш) учун юбориладиган тингловчиларнинг таълими (малака ошириш) юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни ва мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида “Ижрочи” ва “Буюртмачи” нинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. “Ижрочи” Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сонли қарорига асосан Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсини ташкил этади.

1.3. “Ижрочи” тасдиқланган ўқув режасига асосан ўз машғулотларини сифатли равишда амалга оширади. Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан ишлаб чиқилган ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурига асосан олиб борилади. Ўқув дастурининг давомийлиги 72 соатлик ўқув машғулотида иборат.

2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ МИҚДОРИ

2.1. Шартноманинг умумий миқдори 1350000 (бир миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил қилади.

т/р	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Тингловчилар сони	Бир нафар тингловчи учун	Умумий миқдори
1	Меҳнатни муҳофаза қилиш дастури асосида мутахассисларни малакасини ошириш.	сўм	1	1350000	1350000

2.2. Республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, малака ошириш харажатлари ҳам ўзгаради.

3. ЎЗАРО ТЎЛОВЛАР ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. “Буюртмачи” ходимларнинг малакасини ошириш юзасидан тузилган ушбу шартнома умумий суммаси миқдорининг 100 фоизини таълим бошланиш кунидан камда 3 (уч) кун олдин тўлаш мажбуриятини олади.